

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

НОРМУРОДОВ АСРОР БАЗАРОВИЧ

**МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН КРЕМНИЙ НАНОЗАРРАЛАРИНИНГ
ТУЗИЛИШИ ВА ЭЛЕКТРОН ХУСУСИЯТИ**

01.04.07 – конденсирланган ҳолат физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Нормуродов Асрор Базарович

Моделлаштирилган кремний нанозарраларининг тузилиши ва
электрон хусусияти..... 3

Нормуродов Асрор Базарович

Структура и электронные свойства моделированных наночастиц
кремния..... 21

Normurodov Asror Bazarovich

Structure and electron properties of simulated silicon
nanoparticles..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

НОРМУРОДОВ АСРОР БАЗАРОВИЧ

**МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН КРЕМНИЙ НАНОЗАРРАЛАРИНИНГ
ТУЗИЛИШИ ВА ЭЛЕКТРОН ХУСУСИЯТИ**

01.04.07 – конденсирланган ҳолат физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.4.PhD/FM294 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ташметов Маннаб Юсупович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Джуманов Сафарали физика-математика фанлари доктори, профессор Гулямов Гафур физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улугбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улугбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2019 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “ ____ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

И.Нуритдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси в.в.б.
ф.-м.ф.д., профессор

Э.М.Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д.,
катта илмий ходим

И. Нуритдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги пайтда дунёда турли яримўтказгичлар ва уларнинг бирикмаларида ҳосил қилинган нанозарраларнинг хоссаларини ўрганиш – материалшунослик ва замонавий қаттиқ жисмлар наноэлектроникасининг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўтказилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар, яримўтказгич кристалларда нанозарраларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини компьютерда моделлаштириш нанозарраларни олишнинг технологик усуллари ва уларни ҳосил бўлиши вақтида юз берадиган физик жараёнлар ҳамда кристалл тузилишларининг барқарорлигидан бошлаб то янги хоссаларга эга бўлган нанокристалларни олиш ва улар асосида янги авлод асбоблари ва қурилмаларини ишлаб чиқишгача бўлган барча босқичларни қамраб олади. Ҳалқаро илмий нашрларда яримўтказгич нанозарраларнинг параметрлари ва хоссаларини ўрганиш бўйича қатор таҳлилий мақолалар чоп этилган. Бу ишлар, асосан, нанозарралар ва нанотузилмалар бўйича бажарилган илмий тажрибалар натижаларига таянади, айни пайтда, нанотузилмаларнинг параметрларини компьютерда моделлаштириш усуллари қўллаб назарий ҳисоблаш уларнинг кўпгина хоссаларини олдиндан айтиб бериш имконини беради.

Бугунги кунда компьютерда моделлаштириш соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар нанокристалларни ўрганишнинг нисбатан янги ва долзарб йўналишларидан бири саналади ва ҳосил қилинган нанозарраларнинг энг мақбул параметрларини олдиндан айтиб бериш ва топиш имконини беради. Монокристалл кремний замонавий микро- ва наноэлектрониканинг асосий материалларидан биридир. Агар базавий материалда чекланган ўлчамли кичик кластерлар ҳосил бўлиш эҳтимоли ҳисобга олинса, унда таркибида бундай кластерлар бўлган тузилмаларга янги типдаги материал сифатида қаралиши керак, улар атом ва молекуляр физикада кузатиладиган хоссаларга ҳам, конденсирланган ҳолатда кузатиладиган хоссаларга ҳам эга бўлади. Шунинг учун, кластерлар ҳосил бўлиши жараёнларини, уларнинг структуравий ва энергетик параметрларини ҳамда электрон хоссаларини компьютерда моделлаштириш усуллари ёрдамида ўрганиш наноматериалшуносликнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Республикамызда таркибида нанотузилмалар бўлган материаллар олишнинг фундаментал асосларини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Тадқиқ қилинаётган материаллар матрицаида нанокристаллар ҳосил қилиш улар асосида оптоэлектроника, фотоника ва яримўтказгичлар электроникаси учун турли асбоблар яратиш, шунингдек, бу йўналишда жаҳон стандартлари даражасида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Кремний нанозарралари бўйича олинган фундаментал натижалар катта аҳамиятга эга ва мамлакатимизда фанни ривожлантириш, уни амалиётга қўллашнинг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривож-

лантириш учун Ҳаракатлар Стратегияси¹ да акс эттирилган мақсадларини амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқотни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кремнийнинг кичик нанозарралари соҳасида ҳозирги вақтда, жаҳоннинг бир қатор таниқли олимлари, жумладан ҳиндистонлик (К. Рагхавачари), америкалик (L.A. Куртис, G. Belomoin, S.E. Douglas, M.T. Swihart), хитойлик (J.C. Yang), россиялик (А.А. Кузубов), туркиялик (M. Durandurdu), япониялик (Y. Watanabe) ва ўзбекистонлик олимлар томонидан экспериментал ва назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Нанозарраларнинг куртак ҳолати деб қараладиган $\text{Si}_2\text{--Si}_8$ кичик кластерлар ноэмпирик Хартри–Фок усулида қутбланган $6\text{--}31\text{G}^*$ базавий жамланмани қўллаб тадқиқ қилинган; бу кластерларнинг зарядланган ҳолатлари моделлаштирилган; 20 атомлигача кластерлар ичи ковак тузилишининг барқарорлиги кўрсатиб берилган. Кремний ўлчамлари ~ 1 нм ли кичик нанозарраларининг люминесцент хоссаларига эгаллиги кашф қилиниши 29 атомли зарра моделини қабул қилиш имконини берган. Сиртни барқарорлаштириш ва унинг кластер хоссаларига таъсири муаммоси сиртни водород ва бошқа реагентлар билан тўйинтириш йўли билан реконструкция қилиш бўйича қатор илмий ишлар амалга оширилишига олиб келди, кремний нанозарраларини ўстиришда водород муҳим аҳамиятга эгаллиги кўрсатилган. Бироқ ҳозиргача кластер сиртининг яқуний модели масаласи ҳал этилмаганлиги боис экспериментал ва назарий ишларни янада ривожлантириш талаб этилади. Шу билан бирга водород фақат сиртнинг пассиватори бўлиб қолмасдан, кластернинг ичида мустақил нуқсонли ҳолатлар ҳам ҳосил қилади.

Кремний нанозарраларининг энергетик характеристикаларини назарий ҳисоблашлар илгари яримэмпирик ва эмпирик усулларда бажариларди, бу

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

эса сифат жиҳатда ишончли (микдорий эмас) натижалар берарди. Айни вақтда, бирламчи тамойилларга асосланган (*ab initio*) усулларнинг ҳисоблаш харажатлари ҳозирги вақтгача жуда юқорилигича қолмоқда, яъни *ab initio* усуллари кўпчилик тузилишлар учун қўллаб бўлмайди. Ўзбек олимлари (А.Ш. Маҳмудов, З.М. Ҳакимов, Ф.Т. Умарова, А.П. Мухторовлар) томонидан ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган ностандарт кучли боғланиш усулининг (НКБУ) молекуляр динамика (МД) усули билан биргаликда қўллаш ёрдамида олинган натижалари *ab initio* усулларда олинган ҳисоблаш натижалари билан солиштирса бўладиган аниқликда, 50 тагача атомдан иборат кремний кластерларини моделлаштириш имконини берди.

НКБУ нинг кейинги ривож ва таркибида нуқсонлар ва киритма атомлар бўлган кластерларга қўлланиши нафақат кичик кремний нанозарраларини тадқиқ қилишни бир тизимга келтириш, кенгайтириш ва чуқурлаштириш имконини беради, балки компьютерда моделлаштиришга мазкур ёндашувни экспериментал ишлардаги муаммоларни ҳал қилишга қўллаш имкониятларини оширади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф2-Ф066+Ф072 “Таркибида кичик ўлчамли наноконпозициялар ва нанозарралар бўлган яримўтказгич материалларнинг тузилиши ва хоссалари” (2007-2011); Ф2-ФА-Ф121 “Бир жинсли бўлмаган микрохолатларнинг шаклланиши ва уларнинг нейтронлар ёрдамида легирланган кремнийнинг гидрогенлаш пайтида фундаментал хоссаларига таъсири” (2012-2016); ОТ-Ф2-20 “Легирланган кремнийда радиация таъсирида юз берадиган кичик ўлчамли структура ўзгаришлари ва уларнинг монокристалл хоссаларига таъсири” (2017-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кремний кластерларининг геометрик ва структура параметрларини назарий ҳисоблашлар асосида компьютер моделларини тузиш, оптималлаш ва нуқсонли ҳолатларнинг шакллантирилган нанозарралар хоссалари ва барқарорлигига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Si₂-Si₈ кичик кластерларни ва гидрогенланган Si₂H₄-Si₈H₁₆ кластерларни компьютерда моделлаштириш;

29 ва 38 та атомлардан иборат наноўлчамли идеал кремний кластерларини квант-кимёвий моделлаштириш;

Si₂₉ ва Si₃₈ кремний кластерлари сиртлари моделларини тузиш, сиртни реконструкция қилиш ва сиртда атомлар димерланишини тадқиқ қилиш;

Кремний ичи ковак Si₁₂-Si₃₆ кластерларининг барқарор конфигурацияларини ўрганиш;

Si₂₉ ва Si₃₈ кремний кластерлари сиртларини водород атомлари билан пассивация қилишнинг уларнинг барқарорлигига таъсирини ўрганиш;

кремний кластерларининг тузилиши ва барқарорлигига киритмаларнинг таъсирини текшириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 38 тагача атомлардан иборат наноўлчамли кремний кластерлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети наноўлчамли кремний кластерларининг структура ва энергетик параметрлари ҳамда электрон хоссаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Мувофиқлаштирилган ностандарт кучли боғланиш усули молекуляр динамика усули билан комбинацияда қўлланган. Ушбу усулнинг танланишига сабаб НКБУнинг *ab initio* усуллар даражасидаги ҳисоблаш натижаларини олиш ва етарлича катта ўлчамли кластерларни моделлаштириш имконини беришидир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Si₃-Si₈ типидagi кремний кластерлари учун учбурчакли тузилиш ва унинг асосдаги фазовий конфигурациялар характерли, гидрогенланган кичик кластерлар учун эса олмоссимон геометрия характерли бўлган тетраэдрик боғларга эга циклик шаклларга ўтувчи тармоқланган структуралар кузатилиши аниқланган;

асосида тўрт, беш ва еттита атомдан иборат тўғри кўпбурчаклар ётадиган кластерлар ўсиш жараёнининг оптимизациясидан кейин ичи ковак тузилишини сақлаб қолмаслиги, гексагонал асосли кластерлар учун эса кремнийнинг ичи ковак кластерларининг барқарор ўсиши сақланиб қолиши кўрсатилган;

илк бор кластер структураларининг сирт ҳолатига сезгирлиги аниқланган ва сиртдаги орбиталларни водород билан пассивация ва сиртни реконструкция қилиш Si₂₉ ва Si₃₈ кремний кластерларининг геометрик ўлчамлари ва электрон структураларини мос равишда 0.71-1.09 нм оралиғида, таъқиқланган зона кенглигини эса 1.02-2.85 эВ оралиғида ўзгартириши кўрсатилган;

Si₂₉H₂₄ кластер ичидаги вакансия Si₂₉ дагига нисбатан барқарор экани ва вакансия атрофидаги узилган боғларни водород билан тўлиқ тўйинтириш кластерларнинг дастлабки конфигурациясини сақлаган ҳолда барқарор VN4 комплекс шаклланишига олиб келиши топилган;

ичида вакансияси бўлган кластерларда водород атомлари сонини 4 тагача ошириб борилганда тақиқланган зона кенглигининг 0,98 эВ гача ошиб бориши, водород атомларидан бири уч марказли Si-H-Si боғ ҳосил қилиши, айна вақтда қолган водород атомлари кремний атомларига қаттиқ боғланиб ковалент қутбланган боғлар ҳосил қилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ностандарт кучли боғланиш усули ковалент боғланишли нанозарраларни тадқиқ қилишда геометрик тузилиш, боғланиш энергиялари, ионланиш потенциаллари, электронга тўйиниш энергиялари ва тақиқланган зона кенглигини ҳисоблаш ҳамда нанозарралар ҳосил бўлишининг компьютердаги моделларини тузишда самарали қўлланиши мумкинлиги кўрсатилган;

$\text{Si}_2\text{-Si}_5$ кластерларда $U(-)$ Андерсон ҳодисаси, яъни нейтрал ҳолат структурасининг манфий ва мусбат зарядланган ҳолатларга нисбатан беқарорлиги кузатилиши топилган;

нейтрал ва мусбат зарядланган кластерларда водород кластер ичидаги гексагонал тугунлараро ҳолат ва тугунлараро марказий нукта ўртасида барқарор ўрнашиши кўрсатилган;

тоза Si_{29} кластерда углероднинг мавжуд бўлиши саёз энергетик сатҳлар пайдо бўлишига, таркибида углерод бўлган кремний кластерлари ичига водороднинг киритилиши углерод-водород нуқсон комплекси ҳосил бўлишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги нанозарралар ўлчамлари ва тузилишларини ҳисоблаш натижаларининг адабиётларда келтирилган натижаларга мос келиши, мустақил усулларнинг қўлланиши ва олинган маълумотларнинг мавжуд физикавий тамойиллар ҳамда тушунчаларга жавоб бериши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олиб борилган квант-кимёвий тадқиқотлар нанотехнологияларнинг илмий асосларини яратиш учун зарур бўлиб, уларни яратиш ва амалга оширишни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кремнийнинг наноўлчамли кластерлари шакли, сирт тузилишлари ва нуқсонларини компьютерда моделлаштириш усуллари ёрдамида ҳисоблашлар натижалари кремний нанозарраларининг барқарор шакллари олдиндан айтиб бериш, нанозарра ва наноиплар шаклланиш жараёнларини бошқариш, электроника ва фотоника учун керакли хоссаларга эга, киритма атомли кремний нанокристалл кластерларини олиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Моделлаштирилган кремний нанозарралари структуралари ва электрон хоссаларини аниқлашдан олинган натижалар асосида:

соф $\text{Si}_3\text{-Si}_8$ ва гидрогенланган кичик кластерлар учун аниқланган геометрик структуралар, атомлараро масофалар ва боғланиш энергиялари қийматлари мувозанат ҳолати атомлараро масофалари ва боғланиш энергиялари бўйича натижалари етакчи хорижий илмий журналларда (Journal of Applied and Computational Mathematics, 2017; Journal of Computational nanotechnology, 2016; International Journal of Scientific Research in Science and Technology (IJSRST), 2016; Journal of Modeling and Numerical Simulation of Material Science, 2016; Journal of Nanosystems: Physics, Chemistry, Mathematica, 2016) кучли яқинлашиш усулларининг қўлланиш соҳасини жиддий тарзда аниқлаштириб олишда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши кремний кичик кластерларининг структура-энергетик характеристикаларини аниқлаш имконини берган;

асосида тўртта, бешта ва етти атом ётган кластерлар оптимизациядан кейинги ўсиш жараёнида ичи ковак тузилишни сақлаб қолмаслиги, гексагонал асосли кластерларда эса ичи ковак тузилишли кремний

кластерларининг барқарор ўсишига доир аниқланган ҳолатлар ва сиртдаги орбиталларни водород билан пассивация қилиш, сиртни реконструкция қилиш Si_{29} ва Si_{38} кремний кластерларида геометрик ўлчамлар ҳамда электрон структураларни мос равишда 0,71–1,09 нм оралиғида, тақиқланган зона кенглигини эса 1,02–2,85 эВ оралиғида ўзгартириши ОТ-Ф2-77 рақамли «Яримўтказгичли асбоблар ишочилигини структуранинг ички нуқсонларини ҳисобга олган ҳолда моделлаштириш асосида башорат қилиш усулларини такомиллаштириш» (2017–2021) фундаментал лойиҳасида яримўтказгичнинг сиртости қатламларида жойлашадиган беқарор нуқтавий нуқсонлар физик механизмларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июндаги 89-03-2496-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши яримўтказгичли тузилмалардаги фаркланиш чегараси ва беқарор нуқтавий нуқсонларда флуктуацияларни аниқлаш имконини берган;

$\text{Si}_{29}\text{H}_{24}$ кластер ичидаги вакансия барқарор эканлиги ва кластерларнинг дастлабки конфигурациясини сақлаган ҳолда барқарор VN_4 комплекс шаклланишига олиб келиши, ичида вакансияси бўлган кластерларда водород атомлари сони 4 тагача ошириб борилганда тақиқланган зона кенглигининг 0,98 эВ гача ошиб бориши, водород атомларидан бири уч марказли Si-H-Si боғ ҳосил қилиши ФА-Ф4-Ф061 рақамли «Наноўлчамли кремний структураларини олишни ион-плазма технологиясини ишлаб чиқиш» (2015–2017) лойиҳасида олинаётган кремний нанозарраларнинг хусусиятлари ва структураларини таҳлил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2019 йилнинг 10 июндаги 2/1255-1661-сон хати). Илмий натижаларнинг қўлланилиши барқарор наноўлчамли кремний структураларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Моделлаштирилган кремний нанозарраларининг тузилиши ва электрон хусусияти**» деб номланган **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотларнинг Республикамизда фан ва технологияларни ривожининг

асосий устивор йўналишлар билан боғланиши кўрсатиб берилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси муҳокама қилинган, мақсад ва вазибалар шакллантирилган, объектлар танланган, тадқиқотларнинг предмети аниқланган ва тадқиқот усуллари тавсифлаб берилган. Ишнинг илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асослаб берилган. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Диссертация ишининг апробацияси ҳамда ишнинг ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқа маълумотлар келтирилди.

Диссертациянинг «**Нанотизимларни компьютерда моделлаштириш усуллари**» деб номланган биринчи бобида наноўлчамли тизимларни компьютерда моделлаштириш усуллари тавсифланган адабиётлар шарҳланган ва бу усулларнинг асосий мазмуни атрофлича таҳлил қилинган. Кучли боғланиш усуллари оиласининг стандарт турларига умумий тавсиф берилган, уларнинг қўлланиш чегаралари ва камчиликлари кўрсатиб берилган ҳамда доктор З.М.Ҳакимов таклиф қилган ноанъанавий кучли боғланиш усули (НКБУ) доирасида бу камчиликларни бартараф қилиш ва муаммони ҳал қилишнинг йўллари таҳлил қилинган.

Ноанъанавий кучли боғланиш усулининг бошқа яримэмпирик усуллардан афзаллик жиҳатлари ва стандарт кучли боғланиш усули (КБУ) да ҳисоблашларни бажариб бўлмайдиган зарядланган тизимлар, наноструктуралар кабилар учун НКБУ ни ривожлантириш имкониятлари очиб берилган.

НКБУ да ўзаро таъсирлашаётган атомлар тизимининг тўлиқ энергияси, изоляцияланган атомлар тизимидан фарқли равишда, қуйидаги кўринишда берилади


$$E_{tot} = \sum_{\mu} \sum_{\nu > \mu} \frac{Z_{\mu}^{scr}(R_{\mu\nu}) Z_{\nu}^{scr}(R_{\mu\nu})}{R_{\mu\nu}} + \sum_{\mu} \sum_{\nu > \mu} \frac{Q_{\mu}(R_{\mu\nu}) Q_{\nu}(R_{\mu\nu})}{R_{\mu\nu}} + \sum_{\mu} \sum_{\nu > \mu} \sum_i \sum_j P_{\mu i, \nu j} H_{\mu i, \nu j} + \sum_{\mu} (E_{\mu} - E_{\mu}^0), \quad (1)$$

бу ерда μ ва ν ядролар, i ва j – атом орбиталлари (АО); $Z_{\nu}^{scr}(R_{\mu\nu})$ ва $Q_{\mu}(R_{\mu\nu})$ – нейтрал атомлардаги экранланган ядроларнинг зарядлари ва нуқтавий бўлмаган ионларнинг зарядлари; $R_{\mu\nu}$ – атомлараро масофалар; H ва P – гамильтонианнинг ва тизимда электронлар зичлиги (боғланиш тартиблари) нинг матрицалари; E_{μ}^0 ва E_{μ} – мос тарзда, ўзаро таъсирлашаётган ва изоляцияланган индивидуал атом (ион) ларнинг тўлиқ энергиялари; (1) даги 1-ҳад – нейтрал атомларнинг ўзаро итаришиш энергиялари, 2-ҳад – ионлараро ўзаро таъсирлашиш умумий энергияси, 3- ҳад – кимёвий боғланиш энергияси, 4-ҳад – атомлар энергияси.

Бундан ташқари НКБУнинг молекуляр динамика усули билан комбинацияда ишлатилиши сабабли электрон структураларни ҳисоблаш

жуда самарали бўлади ва бу ерда жуда мураккаб интегралларни ҳисоблаш ўрнига мослаштириш параметрларини киритиш йўли билан, ҳисоблашларнинг квант кимёвий характери ни сақлаган ҳолда ҳисоблашларга сарфланадиган машина вақтини жиддий равишда камайитириш мумкин.


Диссертациянинг «Наноўлчамли кремний кластерларини моделлаштириш» деб номланган иккинчи бобида кремний $\text{Si}_2\text{-Si}_8$ соф кластерларининг структура ва энергетика параметрлари нейтрал, мусбат, манфий ва икки карра мусбат зарядланган ҳолатларда ҳамда квази-бир ўлчамли ичи ковак $\text{Si}_{10}\text{-Si}_{36}$ кластерларнинг барқарор конфигурациялари назарий тадқиқ қилинган. Ҳар бир кластер учун зарядланган ҳолатларда бир нечтадан структуралар ҳисобланди, уларнинг энг барқарор конфигурациялари топилди. Ҳамма $\text{Si}_3\text{-Si}_8$ кластерлар учун ёпиқ учбурчакли тузилиш ва унинг асосидаги фазовий конфигурациялар характерлидир. Шунини таъкидлаш керакки, барча кластерларда нейтрал ва манфий зарядланган ҳолатлар бир-бирига ўхшаш тузилишга эга, бу уларнинг атомлари орасидаги Маделунг ўзаро таъсирининг қиймати бир-бирига яқинлиги билан изоҳланади. 1-расмда кремний кластерлари ион-ион ўзаро таъсирлашиш энергияси мусбат зарядланган ҳолларда манфий зарядланган ҳолларга нисбатан катталиги кўринади.



1-расм. Кластерларда ионлараро ўзаро таъсир энергиясининг уларнинг ўлчамлари ва заряд ҳолатига боғлиқлиги

Тадқиқотда амалга оширилган моделлаштириш натижаларига кўра кластерда битта атомга тўғри келадиган боғланиш энергиясининг атомлар сонига боғланиши нейтрал ва мусбат зарядланган ҳолатлар учун (2-расм) тажриба натижалари билан энг кўп мос келади. Кичик $\text{Si}_2\text{-Si}_5$ кластерларда $U(-)$ Андерсон ҳодисаси, яъни нейтрал ҳолатнинг мусбат ва манфий зарядланган ҳолатларга нисбатан беқарорроқ бўлиши кузатилади. Афтидан, бу структураларда электронларнинг узилиб чиқиб кетиши ва бириктириб

олиниши жуфтлик ҳолатда юз беради ва кластер заряд ҳолати мусбатдан манфийга (нейтрални четлаб ўтиб) (ва аксинча) тўғридан-тўғри ўтиб кетади.




2-расм. Кичик кластерларда битта атомга мос келадиган боғланиш энергиясининг уларнинг ўлчамлари ва заряд ҳолатларига боғлиқлиги

Ичи ковак кластерлар учун учта структура қараб чиқилди: асосдаги атомлар ён ёқлари ромблардан иборат структуралар; асослар бир-бирига нисбатан ён ёқлари мунтазам кўпбурчакдан иборат структуралар; иккинчи тип асосида олинган, лекин бирор томондан тартибсизланган структуралар.

Кремний тузилмалари 10 тадан 16 тагача атомли ўлчамлар соҳасида энергетик жиҳатдан симметриясини йўқотган, қайсидир томондан тартибсизланган, лекин ичи коваклигини сақлаган структуралар энг барқарор бўлади. Уларнинг когезия энергияларини, илгари тадқиқ қилинган [Tereshchuk P.L., Khakimov Z.M., Umarova F.T., Swihart M.T. Growth Patterns of Silicon Clusters: Quasi-one-dimensional Clusters versus Diamond-like Clusters. //Phys. Rev. B. 2007, V76. C.125418-7] квази-бирўлчамли, марказий ўқи бўйича ички атомлар жойлашган (3-расм) кластерларнинг когезия энергиялари билан солиштирса бўлади. Гексагонал асосли кластерлар ўлчамлари ортиб борган сари ёки чўзиқ ичи ковак ёки фуллеренсимон тузилишни сақлаб туради. Ва улар кремний нано-ипларини синтез қилишда қурилиш блоклари вазифасини бажариши мумкин.

Ён ёқларидаги учқарра координацияланган атомларини водород билан пассивация қилиш гексагонал асосли чўзиқ кластерларнинг (36 атомгача) ковакли тузилишини барқарорлаштиради. Фуллеренсимон кластер тузилиш-


ларини барқарорлаштиришга кластернинг марказий ўқи бўйича кремний атомларни қўшиш орқали эришилади.




3-расм. Ковакли, бирор томондан тартибсизланган учинчи тип кластерлар (доиралар) ва борлиги тахмин қилинган, ички атомлар занжирига эга бўлган кластерлар (қора квадратлар) учун битта атомга тўғри келадиган когезия энергияларининг атомлар сонига боғланиши

Диссертациянинг «Кремний нано-зарраларининг тузилиши ва барқарорлигига сирт ҳолатларининг таъсири» деб номланган учинчи боби кремний нано-зарраларининг тузилиши ва барқарорлигига улар сиртидаги тўйинмаган боғларни пассивация қилиш усуллариининг таъсирини ўрганишга бағишланган. Водород кремний нано-зарраларини олишнинг бир қатор технологик жараёнларида, масалан, SiH_4 силандан термик усулда олишда қўлланади ва нанокристал кремний структурасининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Кремнийнинг аввал кўриб чиқилган соф кичик кластерларининг структурасига водороднинг таъсирини тадқиқ қилишда кичик кремний кластерларини турли сондаги водород атомлари билан изчил тўйинтириб бориш йўли билан гидрогенланган кластерлар ҳосил қилинди. Олинган натижалар гидрогенланган структуралар, таркибида кремний атомлари бир хил бўлса ҳам, мос соф кластерлар структураларидан жиддий тарзда фарқ қилишини кўрсатди. Соф кластерлардан фарқли ўларок, гидрогенланган кластерлар учун очик структуралар характерлидир (4- ва 5-расм). Кўпчилик кластерларда нейтрал ва икки қарра мусбат зарядланган структуралар бир хил геометрияга эга экан.

Кластер ўлчамларининг ортиб бориши билан қисман тармоқланган тузилишдан ихчам циклик тузилишга ўтиш рўй беради. Аини пайтда олмооссимон геометрияга хос тетраэдрик боғланишлар кузатила бошлайди ва катта кластерларда шундай боғланишлар сақланади.



**4-расм. Si_3H_8
кластер
структураси**




**5-расм. Si_3H_2 (a) ва $(\text{Si}_3\text{H}_2)^+$ (б) кластерларнинг
барқарор структуралари**

Шундан кейин кремний нано-зарраларининг тузилиш барқарорлигига ва энергетик характеристикаларига сиртни реконструкция қилиш ва водород атомларининг таъсири тадқиқ қилинди. Бу ерда сиртларини димеризация қилиш натижасида олмооссимон Si_{29} , Si_{38} кластерлар структураларининг оптимизацияси қараб чиқилди. Димеризация натижаларини таҳлил қилиш олмооссимон кластерларнинг оптималланган структуралари сиртни дастлабки реконструкция қилиш моделига сезгир бўлишини кўрсатди. Сиртдаги атомлари димерланган кластерлар оптимизациядан кейин ҳам ўз структурасини сақлаб қолади. Бошқа ҳолатларда (кластер сиртининг макроўлчамли кремнийда тетраэдрик тугунлараро ҳолатга мос келадиган позициясига қўшимча атомлар киритиш, ёки зўриқиш эҳтимоли бор бўлган конфигурацияларда бирнечта сирт атомларини олиб ташлаш йўли билан сиртни текислаш) кластерларнинг оптималланган геометриялари олмооссимон ядрога эга бўлмаган структураларни беради. Кластерлар сиртларини ҳар хил йўллар билан реконструкция қилиб моделлаштириш шуни кўрсатдики, афтидан, катта олмооссимон кластерларнинг сиртлари олмооссимон структурали ядрога маҳкамланган пентагонал фрагментлардан иборат бўлиши энергетик жиҳатдан энг фойдали бўлар экан. Сиртни гидрогенлаш наноматериал электрон ва энергетик зоналари структураларининг ўзгаришига, таъқиқланган зонада фаол локал сатҳларнинг пассивациясига ва электрофизик ва оптоэлектрон хусусиятларининг ўзгаришига олиб келади.

Сиртдаги орбиталларни пассивация қилиш кластерларнинг геометрик структураларини ҳам, электрон структураларини ҳам ўзгартиради - атомлардаги зарядлар тақсимооти, энергетик ҳолатлар зичлиги ва таъқиқланган зона кенглиги ўзгаради. 6-расмдан кўринадики, водород билан пассивацияланган $\text{Si}_{29}\text{H}_{36}$ кластерда таъқиқланган зона кенглиги 2.7–3.0 эВ ни, $\text{Si}_{38}\text{H}_{42}$ да эса - 2.54 эВ ни ташкил этади. Сирти реконструкцияланган, тўлиқ пассивацияланган кластерларда таъқиқланган зонаси кенглиги бироз камроқ: $\text{Si}_{29}\text{DH}_{24}$ учун 1.02 эВ ва $\text{Si}_{38}\text{DH}_{30}$ учун 0.92 эВ.

Шундай қилиб, олмооссимон ва сирти реконструкцияланган (димерланган) кластерларнинг оптималланган структуралари сиртдаги тўйинмаган орбиталларни водород билан пассивацияланган ҳолда

хисобланди ва Si ва H атомларнинг сонларига боғлиқ тарзда моделлари тузилди.



6-расм. $\text{Si}_{29}\text{DH}_{24}$ (a), $\text{Si}_{38}\text{DH}_{30}$ (б), $\text{Si}_{29}\text{H}_{36}$ (в), $\text{Si}_{38}\text{H}_{42}$ (г) кластерларда энергетик ҳолатлар зичлигининг тақсимооти. Узуликсиз чизик билан умумий тақсимот, штрих чизик билан Si атомлари учун, пунктир чизик билан эса H атомлари учун тақсимотлар кўрсатилган. Вертикал пунктир чизиклар тирқиш чегараларини кўрсатади

Олинган натижалар сиртдаги орбиталларни пассивация қилиш кластерларнинг ҳам геометрик, ҳам электрон структураларини ўзгартиришини, атомларда зарядлар тақсимотининг, энергетик ҳолатлар зичлигининг ва таъқиқланган ҳолат тирқиш кенглигининг ўзгаришига олиб келишини кўрсатди.

Диссертациянинг «Кремний нано-зарраларида нуқсонли ҳолатларни тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида нано-заррадаги вакансия, водород, углерод каби нуқтавий нуқсонлар ҳамда уларнинг структура барқарорлиги ва энергетик характеристикаларга таъсири ўрганилган. Бажарилган назарий ҳисоблашлар асосида вакансия соф Si_{29} кластерда

бекарор, гидрогенланган $\text{Si}_{29}\text{H}_{24}$ кластерда барқарор бўлиши ва унинг марказининг симметриясини T_d дан C_{3v} га ўзгартириши кўрсатиб берилди. Гидрогенланган $\text{Si}_{38}\text{H}_{30}$ кластерларда энергетик жиҳатдан вакансияли кластер афзалликка эга. Сирти гидрогенланган $\text{Si}_{29}\text{H}_{24}$ кластерда Н водород кластер ичидаги гексагонал тугунлараро ҳолат ва тугунлараро марказий нуқта ўртасида барқарор жойлашади. Катта ҳажмли кремнийдаги каби, нанокластерларда ҳам вакансиянинг ҳосил бўлиши тақиқланган ҳолат тирқиш кенглигига таъсир қилади. Вакансия атрофига Н атомларини кетма-кет киритиб борилса, тирқиш кенглиги ортиб боради. Учинчи Н атоми киритилганда тақиқланган ҳолат тирқиш кенглиги кескин ортади (1-жадвал). Энг юқоридаги электрон банд қилган молекуляр орбитал (ЮБМО) билан энг қуйидаги бўш молекуляр орбитал энергиялари қийматларининг водород атомлари миқдорига боғлиқлиги графиги (7-расм) дан кўринадики, учинчи Н атоми киритилганда ЮБМО-ҚБМО тирқиш кенглиги кескин ортади, кейин барқарорлашади ва доимий қийматга эришади.

1-жадвал


Вакансияси турли даражада гидрогенланган кластерлар учун ЮБМО, ҚБМО ва улар орасидаги тақиқланган ҳолат энергиялари

Кластер	$E_{\text{НОМО}}$, эВ	$E_{\text{ЛУМО}}$, эВ	E_g , эВ
$\text{Si}_{29}\text{H}_{24}$	9.65	8.62	1.02
$\text{Si}_{28}\text{H}_{24_V}$	9.14	9.05	0.09
$\text{Si}_{28}\text{H}_{24_VH}$	8.99	8.90	0.10
$\text{Si}_{28}\text{H}_{24_VH2}$	9.18	8.96	0.22
$\text{Si}_{28}\text{H}_{24_VH3}$	9.47	8.52	0.95
$\text{Si}_{28}\text{H}_{24_VH4}$	9.54	8.56	0.98

Кремний кластерларидаги вакансияга водород атомларини киритиш кластер конфигурациясига сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди. Агар вакансиянинг узилган боғлари водород атомлари билан етарлича тўйинмаган бўлса, водород атомларидан бири уч марказли Si-H-Si боғ, қолганлари эса бошқа кремний атомлари билан мустаҳкам ковалент боғ ҳосил қилади. Учинчи Н атоми киритилганда n-Si нинг тақиқланган зонасидан локал сатҳларни тўлиқ кетказиш ва тирқишнинг кенгайиши вакансиянинг 1-қўшнилари бўлган Si атомларнинг боғланмаган узилган орбиталлари йўқлиги билан тушунтирилади.

Углерод атомининг кремний кластери билан боғланиш энергияси сирти димерланган Si_{29} кластерда энг катта қийматга эга бўлади. Ҳисоблаш натижалари 2-жадвалда келтирилган, ундан углерод атомининг кремний кластери билан боғланиш энергияси сиртида узилган бўш боғлари бўлган соф Si_{29} кластерда энг кучли намоён бўлишини кўриш мумкин, бу эса унинг кучли фаоллигига боғлиқ. Бу яна шу билан ҳам тасдиқланадики, манфий зарядланган кластер углерод атоми билан кучлироқ боғланади. Углерод

киритма атоми сабабли пайдо бўлган локал сатҳлар зонанинг чегараларига, яъни ЮБМО ва ҚБМОга кам таъсир қилади.



7-расм. Марказида вакансия бўлган гидрогенлаган $\text{Si}_{29}\text{H}_{24}$ кластерда ЮБМО-ҚБМО энергияси ўзгаришининг киритилаётган водород атомлари сонига боғланиши

2-жадвал

Кремний нано-кластеридаги тугунлар орасида жойлашган углерод атомининг энегетик параметрлари

	Углероднинг кластер билан боғланиш энергияси, эВ	$E_{\text{ВЗМО}}$	$E_{\text{НСМО}}$	E_g
$\text{Si}_{29}\text{C}(-)$	12.59	8.61	8.38	0.23
$\text{Si}_{29}\text{C}(+)$	12.29	8.26	8.25	0.01
$\text{Si}_{29}\text{H}_{24}\text{C}(-)$	7.51	9.35	9.06	0.29
$\text{Si}_{29}\text{H}_{24}\text{C}(+)$	7.85	8.86	8.37	0.49
$\text{Si}_{29}\text{H}_{36}\text{C}(-)$	6.61	10.39	8.96	1.43
$\text{Si}_{29}\text{H}_{36}\text{C}(+)$	6.78	9.53	9.04	0.49

Бу биринчидан, тугунлараро жойлашган киритмалар одатда таъқиқланган зонага саёз сатхлар бериши билан, иккинчидан, углерод атоми энергетик характеристикалари ва валент холатига кўра кремнийдан кам фарк қилиши билан боғлиқ. Шунинг учун, бундай киритма тугунда кремний атоми ўрнига жойлашиб қолганда ҳам чуқур локал сатхлар бермайди. Углерод манфий зарядланган холда кристал панжара билан кучлироқ боғланади ва нанокремнийнинг таъқиқланган зонасида саёз сатхлар беради.

Бу, биринчидан, тугунлараро жойлашган киритмалар, одатда, тақиқланган зонага саёз сатхлар бериши; иккинчидан, углерод атоми энергетик характеристикалари ва валент ҳолатига кўра кремнийдан кам фарк қилиши билан боғлиқ. Шунинг учун бундай киритма тугунда кремний атоми ўрнига жойлашиб қолганда ҳам чуқур локал сатхлар бермайди. Углерод манфий зарядланган ҳолда кристалл панжара билан кучлироқ боғланади ва нанокремний тақиқланган зонасида саёз сатхлар беради.

3-жадвал

Тугунлар орасида жойлашган углероднинг кремний нанокластерларида водород билан боғланишида энергетик параметрлар

	Нуқсон комплексининг боғланиш энергияси, эВ	$E_{\text{ВЗМО}}$	$E_{\text{НСМО}}$	E_g
$\text{Si}_{29}\text{:CH}$	12.34	8.29	8.19	0.10
$\text{Si}_{29}\text{:CH}(+)$	12.58	8.04	7.93	0.11
$\text{Si}_{29}\text{:CH}(-)$	12.15	8.57	8.47	0.10
$\text{Si}_{29}\text{H}_{24}\text{:CH}$	7.53	8.67	8.15	0.52
